

Хориждаги ватандошлар ўртасида “Сиз Ўзбекистонни биласизми?” халқаро онлайн викторинасини ўтказиш түғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ўртасида ташкил этиладиган “Сиз Ўзбекистонни биласизми?” халқаро онлайн викторинасини (кейинги ўринларда викторина) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Викторина хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ўртасида онлайн тарзда 2023 йил давомида www.vatandoshlarfondi.uz веб-сайти орқали ўтказилади.

3. Викторинани ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан мувофиқлаштирилади.

4. Викторина ғолибларини аниқлашда холислик, одиллик, шаффофликни таъминлаш ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш учун танлов ташкилотчилари масъул ходимларидан иборат таркибда Танлов ҳайъати ташкил этилади.

II. Викторина ташкилотчилари ва уларнинг вазифалари

5. Тадбир ташкилотчилари – “Ватандошлар” жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактаб ва мактабгача таълим, Маданият ва туризм вазирликлари ҳисобланади.

6. Ташкилотчиларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

“Ватандошлар” жамоат фондидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда электрон платформа (портал)да викторинани ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалалаларни мувофиқлаштириб боради.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактаб ва мактабгача таълим вазирлиги викторина учун Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид тест саволларини тузуб, экспертизадан ўтказади.

Ташқи ишлар вазирлиги викторина ўтказилиши ҳақида тегишли маълумотларни интернет саҳифаларида, шунингдек, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчиноналари сайтларида ҳамда ватандошлар томонидан тузилган жамоат бирлашмалар орқали эълон қилинишини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширади.

Туризм ва маданият вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргалиқда викторина ғолибларини республикамизнининг тарихий шаҳарлари ва дикқатга сазовор жойларига саёҳат дастурларини ишлаб чиқади ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштиради.

III. Викторинанинг мақсади ва вазифалари

7. Викторинанинг мақсади – она Ватанимиз тарихи, маданий-маънавий мероси, умумбашарий цивилизация ва илм-фан тараққиётига қўшган

ҳиссасини кенг тарғиб этиш, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган бунёдкорлик, бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғоясиға асосланган ислоҳотлар самараси билан яқиндан таништириш, ватандошларимизда ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ҳамда уни ривожлантиришга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хорижликларда халқимиз маданияти ҳурмат ва эътиборни кучайтириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини янада оширишда ватандошлар салоҳиятидан фойдаланишга замин яратишдан иборат.

8. Викторинанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ватандошларнинг бадиий адабиётлар ва Ватанимиз тарихига оид китобларни ўқишига бўлган қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш орқали уларда тарихий Ватанига юксак ҳурмат ҳис-туйғуси шаклланишига эришиш;

- ватандошлар онгига Ватанимиз тарихи, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги билимларини янада бойитиш;

- ватандошлар фарзандларининг дунёқараси, сўз бойлигини кенгайтириш, ватанпарварлиги, ижтимоий фаоллиги ва дахлдорлигини ошириш, она тилига нисбатан миллий ғуур ҳиссини тарбиялаш;

- аждодларимизнинг бой маънавий мероси, умумбашарий цивилизация, маданият, илм-фан тараққиётига улкан ҳиссасини халқаро жамоатчилик орасида кенг тарғиб этиш;

- Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш, хорижий мамлакатларда маданий-маънавий меросимизга қизиқиш ва ҳурматни уйғотиш;

- ватандошларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш, тил, маданият ва урф-одатларни сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

III. Викторинани ўтказиш тартиби

9. Хориждаги ватандошлар ўртасида “Сиз Ўзбекистонни биласизми?” халқаро онлайн викторина танлови икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқичда 2023 йил 15 июлидан 30 июлигача иштирокчилар “Ватандошлар” жамоат фондининг электрон порталдан рўйхатдан ўтиб, тест синовларидан ўтишлари ва баён ёзишлари керак бўлади.

Викторинада 12 та мамлакат (**АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Туркия, Корея, ХХР, Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон**) да истиқомат қилаётган ватандошлар қатнашиши мумкин.

Иккинчи босқичда иштирокчилар билан суҳбат ташкил этилади. Суҳбатда биринчи босқичда энг юқори балл тўплаган номзодлар қатнашишади. Суҳбат жорий йилнинг **1-5 август** кунлари бўлиб ўтади.

10. Викторина ўтказиш бўйича маълумотлар **Фонднинг www.vatandoshlarfondi.uz** электрон веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилинади.

Викторинанинг бошланиш ва якуний санаси Тошкент вақти билан белгиланади.

IV. Иштирокчиларни рўйхатга олиш тартиби

11. Викторина ўтказиладиган мамлакатлардан қатнашиш истагини билдирган ватандошлар www.vatandoshlarfondi.uz сайтида рўйхатдан ўтишлари лозим.

12. Викторина ўтказиладиган мамлакатдан қатнашувчи ватандошлар мазкур давлатларда доимий ёки вақтингачалик яшаётган бўлишлари шарт.

13. Викторинада Ватанимиз тарихи, халқимиз маданияти ва урфодатлари билан қизиққан ва Ўзбекистон ҳақида билимларини бойитмоқчи бўлган, ўзини ватандош деб билган чет эл фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

14. Викторина иштирокчиларининг сони ва ёши чекланмаган.

15. Ҳар бир иштирокчи викторинада қатнашиш мақсадида рўйхатдан ўтиш, тест топшириш ва баён ёзишга бир маротаба руҳсат берилади.

V. Викторинани ўтказиш шакли ва ғолибларини аниқлаш тартиби

16. Викторина Ўзбекистон тарихи, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига бағишлиланган онлайн тест қўринишида ўтказилади.

17. Ҳар бир иштирокчига бериладиган умумий саволлар сони- **25** та.

18. Тест саволини ечишга **30** дақиқа вақт ажратилади.

19. Тест саволига **4** тадан (“A”, “B”, “C”, “D”) муқобил жавоблар берилади. Тест саволига ҳар бир туғри жавоб учун 2 баллдан берилади.

20. Викторина иштирокчиси платформада келтирилган **5** та саволларга баён тарзида ёзма жавоб бериши ва ёзма баёнларга умумий **25 балл** берилади.

21. Танловнинг кейинги босқичи:

- ҳар бир давлатдан тест ва ёзма баёнлардан энг юқори балл тўплаган иштирокчилар суҳбатга таклиф этилади;

- суҳбат жараёнида иштирокчиларга максимал **25 балл** берилади.

22. Викторина ғолибларини аниқлаш.

- викторина максимал **100 балл** билан баҳоланади ҳамда улар тест учун **50 балл**, ёзма баён учун **25 балл** ва суҳбатга **25 балл**дан иборат бўлади;

- викторинада ҳар бир давлатдан энг юқори балл тўплаган бир нафар иштирокчиси ғолиб деб топилади.

VI. Викторина ғолибларини тақдирлаш тартиби

23. Ҳар бир мамлакатдан ғолиб деб топилган ватандошлар қуйидаги тартибда мукофотланади:

- “Ватандошлар” жамоат фонди номидан сертификат ҳамда Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларига 7 қунлик саёҳат.

VI. Викторина ғолибларини рағбатлантириш ва республикамизга сафарларини ташкил этишнинг молиявий манбалари

24. Викторина ғолибларининг Ўзбекистонга келиб-кетиш, ички транспорти, меҳмонхона, овқатланиш ва бошқа ҳаражатлар “Ватандошлар” жамоат фонди маблағлари ҳисобидан қопланади.

VII. Якуний қоидалар

25. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун хужжатларида бегиланган тартибда ҳал этилади.

26. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.